



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 170 (13.503)

Баҳоси эркин нарҳда

2017 йил 21 АВГУСТ, ДУШАНБА

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

## АҲОЛИГА ЯНАДА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БУГУНГИ КҮН ТАЛАБИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 август куни Бекобод шаҳрида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифини "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятидан бошлади.

Мамлакатимизнинг энг йирик ишлаб чиқариш объектидан бири бўлган ушбу комбинатда қора металл парчалари ва чиқиндилар қайта ишланиб, тайёр прокат маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Президентимиз корхонанинг махсус цехлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Корхонада катта ҳажмдаги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Умумий қиймати қарийб 635 миллион долларлик олти лойиҳа устида иш олиб боришмоқда.

Қора металл парчалари ва чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаси шулардан бири. Мазкур лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушган, 138,2 минг тонна қора металл маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш имкониятини беради, қарийб 3 минг иш ўрни яратилади.

Амалга оширилаётган лойиҳалардан бирига биноан пўлат эритиш ва қуйиш мажмуасини қуриш ва иссиқ ҳолатда пўлат листлари ишлаб чиқариш ташкил этилади. Мазкур лойиҳани икки босқичда баҳарий мўлжалланган.

Шавкат Мирзиёев комбинат ишчи-ходимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизиқди.

Яқинда Олмалик шаҳрида бўлди. Олмалик ва Бекобод металлургия шаҳри ҳисобланади. Улар Тошкент вилоятининг саноати ривожланган ҳудудларидан. Шундай экан, иккала шаҳарни ҳам бирдек ривожлантиришимиз, бу ерда яшаётган аҳолини рози қилишимиз керак. Бу борада икки шаҳар ўртасида ривожланиш мусобақаси эълон қиламиз. 2017 йилнинг 1 сентябидан 2018 йилнинг шу давригача иккала шаҳарнинг ривожланиш тенденцияларини кузатиб борамиз. Бу икки металлургия комбинати ўртасида эмас, шаҳарлар ўртасидаги соғлом рақобат бўлади. Бозордаги нарх-наводан тортиб, аҳоли турмуши учун яратилаётган барча шароитлар инобатга олинади. Янги корхона эшиги ташдими, янги иш ўрни яратиладими, барчасини эътиборга олиб борамиз. Бу қари соғлом рақобат икки шаҳарнинг жадал ривожланишида муҳим роль ўйнайди, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ешлар бандлигини таъминлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш энг катта масала.

Биз ёшларга мактабгача таълим муассасасидан бошлаб замонавий таълим беришимиз, уларни муносиб тарбиялашимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Бекобод шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли "Шудринг" номи 5-мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрди. Болаларга яратилган шароитлар билан танишди.

Тошкент вилоятида мактабгача таълим муассасаларининг бугунги ҳолати ҳақида маълумот берилди. Бугунги кунда Тошкент вилоятида 406 мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Уларга 61 минг 755 бола қамраб олинган.

Давлатимиз раҳбари Бекобод шаҳри мисолида богча ёшидаги болаларни тўлиқ мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Бунда хусусий богчаларга кенг ўрин бериш керак.

Мактабгача таълимда бола шахсини ривожлантиришга қўйиладиган давлат талабларининг асосий йўналишлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бунда болаларнинг жисмоний ривожланиши, ўзига-ўзи хизмат қўрлатиши, ижодий-эстетик қобилияти, дунёқарашини бойитиш, нутқини ўсти-

риш, ўқиш ва саводга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи давомида мунтазам равишда аҳоли билан мулоқот қилиб, одамларнинг турмуш шароити билан қизиқди, уларни қийнаётган масала ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратади. Бекобод шаҳридаги "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Металлург-мадд" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли билан учрашувда ҳам бундан фойдаланишга тўғрисида сўз қилинди. Ширкатга қарашли 8 кўп қаватли уйдаги 234 хонадонда 750 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг том қисми таъмирдан чиқарилган, ертўласидаги эски қувурлар тўлиқ алмаштирилган, уйларга рақамли замонавий эшиклар ўрнатилди, кузатув камералари билан жиҳозланган. Бу ҳудудда тинчлик-оқшотилишни таъминлашга хизмат қилмоқда. Уйлар атрофида замонавий болалар майдончалари қурилган.

Аммо ҳудуд аҳолисини қийнаб келаятган муаммолар ҳам етарли. Яъни уйларда иссиқлик тизими ишламайди. Бундай ҳолат нафақат ушбу ширкат, балки қарийб бутун Бекобод шаҳрига хос. Тоza ичимлик суви таъминоти ҳам аҳолини қийнаётган муаммолардан. Ичимлик суви мавжуд бўлса-да, сифати талабга жавоб берадими.

Президентимиз Навоий вилоятидаги "Ariston thermo - UTG" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган газ иситиш қозонларини лизинг асосида уйларга ўрнатиш кераклигини таъкидлади.

Барча ишларимиз халқни рози қилиш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган, деди Шавкат Мирзиёев. Шунинг учун Бекобод шаҳридаги иссиқлик тизими билан таъминланмаган барча кўп қаватли уйлари индивидуал газ иситиш қозонлари билан таъминлаймиз, унга сарфланадиган зарур маблағлар ажратамиз. Хонадонларга ўрнатиладиган газ иситиш қозонлари аҳолига лизинг асосида берилади.

Халқимиз олдида қарзимиз кўп, деди Президентимиз маҳалла аҳли билан учрашувда. Уларнинг дардини эшитиш, муаммоларини ҳал этиш учун янги тизим жорий этилди. Яъни ҳар бир туман-шаҳарда ҳоким, прокурор, солиқ бўлими бошлиғи, ички ишлар бўлими раҳбари ҳудудларга бўлиниб, муаммоларни ҳал қилади. Улар ўзига қарашли ҳудуддаги ҳар бир хонадонга кириб муаммоларини ўрганиб, богча, мактаб, шифохона ва бошқа муассасалар фаолиятидаги камчиликларни ҳал этишга қўмаклашади. Ҳар уч ойда бир марта Президентга ҳисобот беради.

Оддий одамлар бугунги кунда бўлаётган ўзгаришларни сезиши керак. Улар эртага эмас, бугун яхши яшашни истайдилар. Уларга бугун яхши шароит яратиш беришимиз керак. Барча амалга оширилаётган ишларимиздан қўзланган мақсад-муддо ҳам шу, деди Шавкат Мирзиёев. Бугун эришаётган ютуқларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлиги самарасидир. Биргаликда фидойилик билан ишласак, бундан-да катта ютуқларга эришамиз.

Одамларнинг яхши яшашни учун қулай шароит яратиш, зарур ҳаётий воситаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, иш билан таъминлаш – демографик ўсиш суръати юқори бўлган мамлакатлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумотларга қўра, мамлакатимиз аҳолиси 32 миллион 345 мингдан ошди. Аҳоли сонининг йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Бунини Бекобод шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда шаҳар аҳолиси 90 мингдан зиёд. 2035 йилга бориб аҳоли нуфуси 110 мингга етиши кутулкида. Бу ўз-ўзидан "демографик ўсиш" талабларини баҳарлашни тақозо этади.

Ҳўш, бу вазифа қандай ва ниманинг ҳисобига бажарилади?

Президентимиз Бекобод шаҳрининг 2035 йилгача мўлжалланган бош режаси тақдиротида асосий эътиборни айни шу масалага қаратади.

Қайд этилганидек, аҳоли турмуш фаровонлиги – меҳнат бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш, бандлик соҳасида қўрсатиладиган давлат хизматларини такомиллаштириш, шаҳар инфратузилмасини тубдан янгилаш, кичик саноат зонаси фаолиятини йўлга қўйиш сингари муҳим ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш билан таъминланади.

Хусусан, 2017-2018 йилларда умумий қиймати 3,8 триллион сўмлик 179 лойиҳа амалиётга татбиқ этилиб, қарийб 5 минг аҳоли доимий иш жойига эга бўлади.

Янги мавзёлар қурилади, кўп қаватли уйлар қад ростлайди.

Уйлар Ўзбекистон металлургия комбинати ва Бекобод цемент заводи ишчилари учун тижорат банкларининг кредити ҳисобидан қурилади. Ҳар йили ўртача 1 минг 200 хонадон фойдаланишга топширилади. Мавзедаги биринчи уйлари бир йилдан сўнг, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур уй-жойлар атрофида бог яратиш, аҳолига ижтимоий хизмат қўрлатиш объекти қуриш, бир сўз билан айтганда, муҳажир шаҳарча барпо этиш бўйича қўрсатмалар берди. Шаҳарчани тез ва қисқа фурсатда бунёд этиш кераклигини таъкидлаб, уни "Мустақилликнинг 27 йиллиги масъулияти" деб номлашни таклиф қилди.

Бекобод шаҳрида жорий йилда ҳар бири 42 хонадонга мўлжалланган етти қаватли иккита уй қуришмоқда. 2018 йилда худди шундай яна 10 кўп қаватли уй-жой барпо этилиши режалаштирилган. Шаҳар марказий шифохонаси биноси 1964 йилда қурилган, бугунги кунда таъмирталаб бўлиб қолган. 2017-2018 йилларда бу ерда 12 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилади. Бир миллион долларлик тиббий жиҳозлар келтирилиши кўзда тутилмоқда.

Аҳолига янада кенг қулайлик яратиш мақсадида Тошкент – Бекобод йўналишида электрчиқа катновини йўлга қўйиш бўйича қарар қилиб берилди.

Халқимизда "кадрлаган – кадр топар", деган нақл бор. Хотирлаш эса ҳаётдан қўз юмганларни эслаш ва уларнинг ҳақиқатга ҳайрли дуолар қилишдир. Президентимиз Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Мухтор Миркомилонинг турмуш ўртоғи бевақф вафот этгани муносабати билан ўтказилаётган таъзия маросимида иштирок этиб, хонадон эгасларига чуқур ҳамдардлик билдирди, сабр-тоқат тилади. Мутасадди раҳбарларга бошига мусибат тушган ушбу оилага қўмак қўрлатиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш одамлигининг энг олий меzonидир. Президентимизнинг ушбу теган маъноли сўзлари ҳаётимиздан тобора кенг ўрин эгалламоқда. Давлатимиз раҳбарининг амалий фаолиятида, таъаббус ва тақдирларда бу ҳақиқат яққол намойён бўлмоқда. Бу Бекобод шаҳар аҳолиси вакиллари билан бўлган учрашувда ҳам яна бир бор ўзифодасини топди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида "Металлург" маданият саройида йиллиги бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ва Бекобод шаҳри фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди. Йилгилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойлардаги Халқ қабулхоналари аҳоли билан мулоқотнинг муҳим тизимига айлانган, турли масалаларга ўз вақтида ечим топилиб, одамларни рози қилаётгани таъкидланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани қайд этилди. Аҳолига барча зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини янгилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

У.А.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148-сонли Фармони асосида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаа, кутубхоначилик, ахборот-ресурс соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мавжуд ҳуқуқий-норматив ва моддий-техника базасини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бошқарувнинг бозор муносабатларига хос усулларини кенг қўллаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларининг тузилмалари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқланган.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори зарур ҳолларда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тузилмаларига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларини сақлаш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги ташкилотларнинг шартнома асосидаги ажратмалари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини сақлаш, шунингдек, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши инобатга олинсин.

3. Белгиланган қўйилсинки:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Чўлпон номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий наشريёти давлат қоронаси давлат қўчмас мулки объектларида ижара тўловсиз жойлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассислигидаги "Тонг юлдузи" ва "Класс!" газеталари ҳамда "Гулхан" ва "Ғунча" журналларини нашр этиш билан боғлиқ харажатларнинг мазкур нашрлар ўз даромадлари билан таъминланмаган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун зарур бўлган маблағларни 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрлари доирасида ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида назарда тўтсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уйда жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бир ой муддатда, ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва фаолият йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 17 август

## ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ: ХАВФСИЗ ВА ҚУЛАЙ

Ўзбекистон фуқаро авиацияси ўзининг йигирма беш йиллик фаолияти давомида замонавий авиакомпания сифатида тикланиш ва шаклланишнинг улкан, мураккаб йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг кўплаб хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ҳамда Ҳаво флотини қунига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида компаниянинг ўтган йилларда эришган ютуқлари ва уни ривожлантириш истисқоллари хусусида сўз юритилди.

Соҳада амалга оширилган изчил ислохотлар самарасида тарихан қисқа даврда мамлакатимизда

мизда фуқаро авиациясини изчил тараққий эттириш, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш, хаво ҳаракатини бошқариш тизимини тубдан ислох этиш, малакали кадрлар тайёрлаш сингари йўналишларда улкан натижаларга эришилди.

(Давоми 2-бетда)



• Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида Бухоро вилояти Бухоро туманидаги Работак қишлоғида янгиланган лойиҳалар асосида барпо этилган замонавий уй-жойлар фойдаланишга топширилди.


• Нукусда "Китоблар олами" савдо марказида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами олдидан янги китоблар тақдими бўлиб ўтди.

• Қаршида "Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳияти: ютуқлар ва истисқол" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятнинг бошқа туманларида ҳам сайёҳлик йўналишларини кўпайтириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, экотуризмни янада ривожлантириш, Муборак тумани чўлларида сафар уюштириш каби бир қатор лойиҳалар тақдим этилди.

• Хоразмда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги институти профессор-ўқитувчилари иштирокида комплекс ўқув-амалий йиғинлари бўлиб ўтди. Ўн кун давом этган йиғинларда Хоразм вилоятидаги йирик корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, ёнгин хавфсизлиги ходимлари, ёнгин-техник комиссияси раис-

лари, кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати бўлимлари бошлиқлари иштирок этди.

• Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танлови Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



• Непалда бир ҳафтадан буён давом этаётган кучли ёнгинчилик туфайли 90 киши ҳалок бўлган, 40 нафари бедарак йўқолган. Тинимсиз жала қуйиши дарё тошқинлари ҳамда ер қўқчиларини келтириб чиқаргани натижасида 2500 дан зиёд турар жой бинолари вайронага ай-

ланган. 40 мингга яқин уйни сув босган. Катта-катта экин майдонларини лой қоплаган.

• Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида мамлакат аҳолиси ва меҳмонлар 300 метрлик сув тепалиғи аттракционлари тепалиғидан баҳраманд бўла бошлашди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ноёб иншоот 2018 йилда Корея Республикасида илк бор ўтказиладиган қишки Олимпиада тарғиботи йўлида бунёд этилди.

• Сьерра-Леонеда кучли ер қўқши ва тинимсиз ёмғирлар катта муаммоларни келтириб чиқарди. Чунончи, табиий офат натижасида 400 киши ҳаётдан қўз юмди, 600 дан ортиқ одам бедарак йўқолди. Минглаб аҳолининг уй-жойи вайрон бўлди. Айтиш керакки, ҳалок бўлганларнинг кўпчилиги қисминини болалар ташкил этади.



# ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

**Мустақилликнинг туб моҳиятини миллий давлат қуриш ташкил этади. Биз 1991 йилнинг 31 августидан шундай мустақил давлат қуришга киришдик.**

**Давлат – жамиятнинг бошқарув тизими. Ҳар қандай миллий давлат жамият тараққиёти билан бирга равнақ топади. Шунинг учун ҳам давлат ва жамият қурилиши – яхлит кечадиган жараён.**

Мустақилликнинг ўтган 26 йили, аввало, давлат ва жамият қурилишини тубдан ислох қилиш орқали кечди. Бу борада ҳам миллий анъаналаримизга таяниб, ҳам халқаро тажрибаларга суянган ҳолда иш тутдик. Бошқача айтганда, истиқлол тарихига биринчи галда давлат ва жамият қурилиши нуқтаи назаридан қараб баҳо беришимиз зарур.

Хабарингиз бор, шу йилнинг 27 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида”**ги Қарори қабул қилинди. Бу йилги байрам **“Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!”** деган бош ғояни ўзида муҳасаса этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури асосида амалга оширилмоқда. Қарорда ушбу Дастури 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш белгиланган.

Белгиланган ана шу бешта устувор йўналиш айна нималардан иборат эканлиги тўғрисидаги саволга газетамизнинг 5 июль сонидида **“Миллий тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори”** сарлавҳали биринчи мақоламизда жавоб бериб ўтишга ҳаракат қилган эдик. Иккинчи мақоламизда эса айна биринчи устувор йўналишнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ келтиришни маъқул топдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”**ги Фармонида бу бешта устувор йўналишнинг биринчиси қуйидагича баён этилган: **“Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш”**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги **“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”**ги Фармони билан Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар тузилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 14 февралдаги Фармойиши билан Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тадбирларнинг экспертида ва жамоатчилик муҳокамасини самарали ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларни мукамал амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтларини, экспертлар ва олимларни мамлакатимизни демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш жараёнига фарқ жалб этиш мақсадида пойтахтимизда Тоаққулет стратегияси маркази ташкил этилди.

Давлат ва жамият энди ана шундай янада такомиллаштириш даврига келди. Бирок бунга катта ва мураккаб йўл босиб ўтилди.

Умрининг муайян қисмини шўро даврида кечирган катта ёшдагилар яхши биладими, биз истиқлолга қадар яқин мафқура ҳукмрон жамиятига билар эдик. Партия битта эди. Унинг мафқураси собиқ иттифоқ конституциясининг 6-моддасида давлат мафқураси сифатида ўрнатилгани қайд этилган эди. Фақат 1990 йилнинг март-апрелда ана шу 6-модда ўзгартирилди, яъни собиқ иттифоқ тарқалиб кетишидан бори-йўри бир ярим йилдан ошмироқ даврдиган жамият кўппартиявий тизимга ўта бошлади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўппартиявий жамият тарзида бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентлиги 1991 йил 29 декабрда ўтказилган дастлабки сайловдан бошлаб давлатимиз раҳбари ҳар гал мубоиллик асосидаги сайлов орқали сайланди. Мубоиллик деганини тушуниш эса унчалар қийин эмас – ҳар бир партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини кўрсатиб, сайловчиларни унга овоз беришга даъват қилади. Сайловда эса энг кўп овоз тўплаган номзод ютади.

1991 йил 29 декабрдаги сайловда алоҳида-алоҳида партиялардан кўрсатилган икки, 2000 йил 9 январдаги сайловда алоҳида-алоҳида партиялардан кўрсатилган икки, 2007 йил 23 декабрдаги сайловда алоҳида-алоҳида партиялардан кўрсатилган уч ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи кўрсатган бир (жами – тўрт), 2015 йил 29 мартдаги сайловда алоҳида-алоҳида партиялардан кўрсатилган тўрт, 2016 йил 26 декабрдаги сайловда ҳам алоҳида-алоҳида партиялардан кўрсатилган тўрт Президентликка номзод иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловда ҳам айнан партиялардан кўрсатилган номзодлар иштирок этади. Фақат кейинги икки сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сони 150 тага етказилди ва бунинг 15 нафари (ҳар бир минтақадан бир нафардан) ва республика ташкилотидан бир нафар) Ўзбекистон экология ҳаракатидан сайландиган бўлди.

Кўппартиявий тизимнинг афзаллиги нимада?

Давлат – халқники. Халқ эса турли ижтимоий тоифадаги аҳолидан ташкил топган. Ҳар бир тоифанинг эса ўз қизиқишлари, интилишлари, бошқача айтганда,

## ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

манфаатлари бор. Ҳар бир тоифа давлат унинг манфаатларини ҳимоя қилишни истайди.

Ҳўш, барча тоифалар манфаатларини бирдай ифодалаш мумкинми?

Мумкин. Бунинг учун кўп партия бўлиши керак. Бу партияларнинг ҳар бири ўз йўналиши, жамиятдаги муайян ижтимоий тоифа интилишлари, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, яъни уларнинг манфаатларини ифодалаган ва ҳимоя қилган ҳолда ўз дастурини ишлаб чиқиши зарур.

Бу – масаланинг биринчи томони. Иккинчи томони шундан иборатки, ана энди ана шу ҳар бир партия ўз олдига қўйган ғояларни ҳаётга татбиқ этиши, яъни амалга ошириш учун кураш бошлайди. Бу кураш айнан сайловлар орқали кечади. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари орасида қайси партиядан энг кўп вакил сайланган бўлса, парламентда уша партия ғолиб ҳисобланади. Ҳатто, шундай тартиб-қоида қонунга киритилганки, ҳар бир партияга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари сонини катъий ҳисобга олган ҳолда давлат бюджетидан маблағ ажратилади.

2014 йилги сайловда депутатликка сайланган номзодлари сонига қўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – биринчи, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси – иккинчи, Ўзбекистон Халқ демократик партияси – учинчи ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тўртинчи ўринни эгаллади.

Буллар – масаланинг ташкилий томонлари.

Моҳият эътибори билан партиялар Олий Мажлисида қонунлар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида эса қарорлар қабул қилинаётганда ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб таъсир ўтказишга интилади. Ҳар бир қонун ва қарор овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Шундай экан, кўп депутати бор партия – амалда кўп овоз бериш ҳуқуқига эга.

Кўппартиявийликнинг яна бир аҳамиятли томони шундан иборатки, давлат сифатида мубоиллик юзата келади. Ҳар бир партия қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари муҳокамасида ўз нуқтаи назарини билдириб, ўз қарашларининг қонун ва қарорларда бевосита акс этиши учун курашади. Бундан ташқари, қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади. Ўз оммавий ахборот воситалари орқали ғояларини тарғиб ва ташвиқ қилади, бу ҳақда жамоатчилик фикрини уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида: **“Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади”**, – деб ёзилган.

Мамлакатимизнинг қандай типдаги давлат эканини **“суверен демократик республика”** деган ана шу уч сўз аниқ-тиниқ ифодалаб берган. Келинг, аввал шу уч истилоҳнинг маъини қайириқ.



**“Суверен”** сўзи – французча **“souverain”** сўзидан олинган ва у луғавий жиҳатдан **“олий”** деган маънони билдиради. Халқаро ҳуқуқ атамаси сифатида эса **“мустақил олий ҳокимияти эгаси”** деган маънони англатади. Шундан келиб чиқиб, бу сўз мустақилликка эга, эркин, ҳур давлатга нисбатан ҳам ишлатиладиган бўлган. Шу ўзакдан ясалган **“суверенитет”** истилоҳи халқаро ҳуқуқда **“давлатнинг ички ишларини олиб боришда ва ташқи муносабатларда тўла мустақиллиги”** маъносини кўрсатади. Ёки **“суверенлик”** деган сўзини айнан **“мустақиллик”** деб тушуниш керак.

**“Демократия”** сўзи, асли, юнонча **“demos”**, яъни **“халқ”** ҳамда **“kratos”**, яъни **“ҳокимият”** сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Ҳуқуқий атама сифатида **“фуқаролар эркинлиги ва тенглиги конституция ва қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятининг шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум; халқ ҳокимияти”** маъноларидан талқин этилади.

**табиғи айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижросиси бўлиши керак”** мавзусида маъруза қилди.

Маърузада ҳокимият вакиллик органлари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолияти ўзаро мулоқот шаклида, танқидий рўҳда таҳлил қилинди, ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлида олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

**“Ҳар қандай сиёсий партия замон талаби билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади... Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари фаолиятини кучайтирмасак, қонун ижодкорлиги ва қабул қилинган қонунлар ижроси қўлга олинмас”**, – деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари демократияни таъминлашда парламентнинг ўрни ва аҳамияти катта эканлигини таъкидлар экан: **“Демократия қаердан бошланади – парламентдан бошланади. “Парламент – демократия мактаби”**, – деймиз. **Шундай экан, миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак”**, – деди.

Модомики, 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида **“демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш”** ҳам қўзда тутилган, 2017 йил мамлакатимизда **“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”** деб эълон қилинган, партиялар айна халқнинг муайян тоифалари манфаатларини ҳимоя қилишга қўлганган сиёсий куч ҳисобланар экан, бу борадаги камчиликлари бартараф этиб, ислохотларни янада чуқурлаштириш лозим.

Ҳаракатлар стратегияси реал ижро талаб қилади. Уни амалга ошириш эса давлат ва халқ билригидега жуда катта ишларни бажаришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам шу йилнинг 15 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармойиши қабул қилинди. Унда муайян маънода амалга оширилган ишлар бир сифат сарҳисоб ҳам этилди.

Ҳозирги кунда Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 15 та қонун ҳамда 700 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Мустақил давлатчилигимиз тарихида илгари ҳеч қачон ҳуқуқий базани мустаҳкамлашда бундай жадаллик юз бермаган эди. Бу мамлакатимизда ислохотларнинг мисли қўрилмаган даражада чуқурлаштириш жараёни бошланганидан далолат беради.

Фармойишда беш устувор йўналиш бўйича қилинган ишлар қисқача санаб ўтилди. Жумладан, биринчи устувор йўналиш бўйича ўзгаришлар ҳам қайд этилди: **“Хусусан, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида замонавий талаблар ҳамда устувор йўналишларни инобатга олган ҳолда 16 та вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тузилмаси, вазифа ва функциялари қайта қўриб қилинди, 20 та давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар қайта ташкил этилди”**.

Бир нарсани ойдинлаштириб олиш зарур: партия депутатга хизмат қилиши керакми ёки аксинча, депутат партиягами?

Бу масалада ноаниқликка мутлақо ўрин йўқ: партия депутатнинг номзодини кўрсатади, унинг сайланиши учун курашади. Шундай экан, сайланган депутат энди ўзи вакил бўлган партиясининг ғояларини ҳаётга татбиқ этиши, яъни унинг манфаатларига хизмат қилиши керак. Чунки партия – ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қўлганган сиёсий куч.

Мустақилликка бизга шундай демократия берибди.

**Бунинг қадрига етишимиз керак. Бир сўз билан айтганда, демократия фикрлар хилма-хиллигини таъминлайди. Бу эса қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатларидан бирёқламалик бўлишига йўл қўймайди. Шу тариқа давлат сифатида амалда аҳолининг барча қатламлари манфаатлари акс этади.**

Олим МАХМУДОВ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**Хабар берилганидек, 2017 йил 18 август кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисини Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисини шу йил 24 август кунин Тошкент шаҳрида қақриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилмоқда.

“Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш тизимини тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қўниин йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисида сенаторлар “Ўзбекистон Республикаси ёшлари кўниин белгилаш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ҳўжаллиги ҳодимлари кўниин белгилаш тўғрисида”ги қонунларни ҳам қўриб чиқадилар.

Шунингдек, ялпи мажлисининг кун тартибига Тошкент вилоятининг Тўйтаево, Янгийўл ва Охангарон шаҳарларини вилоят бўйсунувидига шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам киритилди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш ҳақидаги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг айрим раҳбарларига парламент сўрови юбориш, шунингдек, парламент сўрови натижалари ҳақидаги масалаларни ҳам қўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқишли режалаштирилмоқда.

Ўн биринчи ялпи мажлисга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш юзасидан Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девони фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати**

## ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ: ХАВФСИЗ ВА ҚУЛАЙ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонида буюн 1992 йил 28 январда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ташкил этилди. Мустақиллик йилларида авиакомпания халқаро ташкиллар бозорига рақобатбардошлигини намоён этиб, йўловчиларнинг ишончини қозонди ва ўз фаолияти қўлини сезиларли даражада кенгайтиришга эришди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” энг замонавий лайнерларни эксплуатация қилиш аънасанасига содиқ қолмоқда. 2016 йилда мамлакатимизда бирйўла иккита “Орзу лайнери” – “Boeing 787-8 Dreamliner” лайнерларидан фойдаланишга киришилган миллий авиакомпания учун хавфсизлик, ишончилилик ва қулайлик тамойиллари устувор эканини амалда яна бир қарар тасдиқлади.

Айни пайтда ҳаво лайнерларимиз Дубай, Дехли, Амритсар, Истамбул, Олма-ота, Тель-Авив, Сеул, Франкфурт, Москва, Куала-Лумпур, Сингапур, шунингдек, Рига орқали Нью-Йоркка парвоз қилётган йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Шу йилнинг 27 июль кунин Ислам Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортидан ҳавога кўтарилган “Орзу лайнери” биринчи марта Тошкент – Нью-Йорк – Тошкент йўналишида илк узлуқсиз парвозни амалга оширгани ҳар бир йўловчимиз қалбига гурур ва ифтихор башх эди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиапаркини модернизация ва унификация қилиш дастури доирасида “Boeing” корпорацияси билан мамлакатимизга яна тўртта “Boeing 787-8 Dreamliner”ни етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди. 2019-2020 йилларда етказиб берилиши қўтилаётган маъруза лайнерларга ҳам ёқилги самарадорлиги ҳамда паст шовқин даражасини таъминлайдиган дегаителлар ўрнатилди.

Бугун дўненинг қўллаб-қувватловчилари Ўзбекистон учувчилар тайёрлаш мактабининг энг нуфузли мактаблардан бири сифатида эътироф этмоқда. Зеро, ушбу мактабда кўп йиллар давомида “устоз-шогирди” аънаналари асосида назария билан амалиёт ҳамбарбас боғлиқ ҳолда шаклланди. Қолаверса, бошқарув тўлалигига ишониб топширилиши учун учувчи назарий билимлардан тортиб йўриқларнинг сабоқларига ҳам бўлган қўллаб-қувватловчи бошқаруви муваффақиятли ўтиши қатъий белгилаб қўйилган.

Миллий авиакомпания ўқув-машқ маркази тренажёр мактабига замонавий тренажёрлар ҳамда “Ил-114-100” ва “А-320” самолётларининг мукамал “Full-flight” симуляторлари ўрнатилган. Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида бу ерда яна бир ноёб ўсувқа – “Boeing-767”нинг “Full-flight” симулятори эксплуатацияси бошланди.

“Canadian Aviation Electronics” компаниясининг энг сўнгги ишланмаси ҳисобланган ушбу қўрилма замонавий компьютер таъминоти, ҳаракатланиш ва визуал тизимлар билан жиҳозланган.

Янги тренажёр “Boeing-767” авиалайнерининг ҳақиқий учувчилар кабинасидир, – дейди “Boeing-767-767” ҳаво кема-си иккинчи учувчиси Шерзод Ғуломов. – Унда парвоз давомидаги турли ноодатий ҳолатларни ҳам ерда, ҳам ҳавода сынаб қўриш мумкин. Юқори сифатли тасвирларни кўрсатиш учун жаҳон стандартлари асосида ишлаб чиқилган визуал тизим бизга ностандарт ва мураккаб вазиятларни машқ қилиш, компьютер тизимига ўрнатилган аэропортларнинг маълумотлар базаси эса ер шарининг исталган нуқтасига парвоз қилиш имконини беради.

Миллий авиакомпания ўқув-машқ марказига замонавий авиалайнерлар симуляторларини ўрнатиш борасида амалга оширилётган тизимли ишлар мамлакатимиз авиаторларини хорижий ўқув марказларига жалб этмаган ҳолда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга хизмат қилади.

Беҳзод БОЗОРОВ,  
ЎЗА мухбири

**Мамлакатни бутун дунё тан олишида, жамият тараққиётида, ёш авлодни маънавий камолотида маданият ва санъатнинг ўрни беқиёслиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Шунинг учун мазкур соҳаларга ҳукуратимиз томонидан алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас.**

Жорий йил 3 август санасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маърузаси айнан маданият ва санъат, шунингдек, адабиёт, оммавий ахборот воситаларининг равнақ топишига қаратилди. Ушбу маърузани тинглаган илм ва ижод ахли “дилимиздагини айтдингиз”, деган бўлиши аниқ. Чунки Юрбошимиз ана шу соҳаларнинг нақадар қудратли кунга эгаллиги, улардаги мавжуд муаммолар ҳамда бу муаммоларни бартараф қилиш йўллари ҳусусида очик-ойдин, танқидий кўз билан қараб, куюниб сўзлади.

Тан олиш керакки, биргина театрларда Мустақиллик даврида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бир қанча театрлар янги бинога эга бўлди ёки қайта таъмирланди, энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, тарихий сахна асарлари, наркомания, одам савдоси, терроризм қораланган спектакллар сахналаштирилди. Шунга қарамай, театр ва кино санъатидаги камчиликлар ва муаммолар талайгина. Улардан бири ва энг асосийси, театрларда ижодий жараён сўниб қолган. Аксарият театр ижодкорлари янгилик яратиш мақсади билан ёнмайди, экспериментлардан чўчибди. Ҳатто етакчи театрларнинг спектакллари бундан ўттиз-қирқ йил авалги услубда, ҳаммага маълум қилип билан сахналаштирилипти. Улардаги саёзлик ҳақида эса Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Оқибатда кўплаб спектакллар сахна юзини кўргач, қисқа фурсатдан кейин репертуардан тушиб қолмоқда. Ваҳоланки, бугунги тезкор ривожланаётган даврда театр ижодкорлари спектакллари янги қарашлар, янги услуб билан бойитиши, замондан бир неча қадам олдинроқ юриши талаб қилинади.

Юрбошимизнинг “Нима учун маданий ҳаётимизда танқидий рух сезилмайди? Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинкама ижод бўлиши мумкинми ўзи?” деб куюниб айтган сўзлари ҳам жуда ўринли. Авваллари театр ижодий жамоаси ва театр танқидчилари ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилган эди. Театрлар танқидчиларнинг фикрларини эшитарди ва

камчиликларни бартараф этишга интиларди. Бироқ бугунги кунда театрлар негадир танқидчиларнинг мулоҳазаларига қулоқ солмайди, янги спектаклни мутахассисларга “хужакўрсин” учун кўрсатади, эътирозларга қарамай, ҳеч қандай ўзгаришларсиз томошабинлар учун премьер аналга оширилади. Бунинг оқибатида театр танқидчиларининг, айниқса ёш театршуносларнинг бирор янги спектакль муҳокамасида фикр билдиришдан ҳафсаласи пир бўлган.

Ҳар йили кўплаб ёш ижодкорлар театрға “оловдек ёниб” кириб келади, аммо уларнинг аксариятини интилишлари, гоё ва мақсади кўллаб-қувватланмагач, уларга шарт-шароитлар яратил-

ортимиздан етаклаш ўрнига, уларнинг ортидан кетяпмиз. “Томошабин шунини хоҳлапти”, деган баҳонаи сабаб билан ўзимизни ишонтиряпмиз.

Энг ачинарлиси, театрда ҳам, кинода ҳам, умуман ўзбек санъат оламида профессионаллик ва ҳаваскорлик ўртасида тафовут тобора йўқолиб борапти. “Томошабин кўряпти-ку”, деб айрим етук режиссёрлар ўз фильмларини “кўл учидан” суратга оляпти, айрим тажрибали актёрлар эса “томошабин куляпти-ку ёки йиғлаяпти-ку”, деб бир қолип остида роль ўйнапти. Умуман, улар ўз устида ишламаяпти. Изланиш бўлмаган жойда эса яхши ижодий асарни юзага келтириб бўлмайди.

## ИЗЛАНИШ – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Шу билан бирга, кино санъатида ёш режиссёрлар, актёрлар, рассомлар етишиб чиқяпти. Бироқ улар томонидан яратиладиган фильмларга фикр билдира оладиган, юксак мулоҳазали ёш киношунослар жуда танқис бўлиб борапти. Шунинг назарда тутилган ҳолда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида киношуносларни тарбиялаш бўйича ўқув-амалий ишлар бошланган. Яқин кунларда ўзбек кино санъати ривожига ҳисса қўшадиган, асосийси, фильмларга ҳолисона фикр билдирадиган ёш мутахассислар етишиб чиқишига ишонса бўлади.

Маърузада “оммавий маданият” унсурлари яққол кўзга ташланаётган эстрада хонадаларининг клипларига ҳам ўринли тўхталиди. Клипларнинг бугунги аҳоли ҳақида сўз очсангиз, хонадалар “замон талаби шунақа”, “ҳозир замон ўзгача” деб жавоб қайтарадилар. Кечирасиз, замон ўзгармаган, унинг ҳеч қандай талаби ҳам йўқ. Фақат ўзимиз фарбнинг иллатларига тақлидни урф қиляпмиз-да, айбони замонга тўнкаяпмиз. Аянчлиси, бундай тақлид айримлар учун касб бўлиб қоляпти.

Турли маданият муассасалари, хусусан, театрлар, кинотеатрлар, шунингдек, олий ўқув юрларини моддий кўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомийлар пайдо бўлгани эса қувонарли ҳол. Республиканинг барча театрларида шарт-шароитлар яхшиланса, моддий-техник базаси мустаҳкамланса, ижодий изланишлар учун барча имкониятлар яратилса, театрларимизда фаолият юритувчи санъаткор-у ижодкорлар астойдил меҳнат қиладди. Шу билан бирга, кўпгина вилоят театрларида мавжуд бўлган камчилик бартараф этилишига умид ўйғонади, яъни спектаклдан спектаклга кўчиб юрвчи ночор декорациялардан ниҳоят воз кечилиб, ҳар бир сахна асари учун алоҳида ранг-баранг декорациялар юзага келтириш имкони туғилади. Бу муҳим аҳамиятга эга. Чунки спектакль намоиши давомида томошабин эътиборини ушлаб туриш учун декорацияларнинг роли катта.

Шунингдек, маърузада ҳукумат аъзоларига қўйилган вазифалар тез фурсатда амалга оширилаётгани эътиборли. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш тўғрисида”ги Қарори кучга кирди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ижодкорларни кўллаб-қувватлаш бўйича “Илҳом” жамоат фонди ташкил этилди. Бу каби ўзгаришларнинг барчаси соҳаларнинг албатта тараққий этишига катта ёрдам беришига ишонамиз.

Президентимизнинг ижодкор зиёлиларга ишонч билдираётгани, улар учун муҳим жиҳат бўлган моддий рағбатни кучайтираётгани, ижод қилиш учун янада яхши шароитлар яратяётгани ҳар бир ижодкорга масъулият юклаши керак.

Юрбошимиз ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаётганлари биз – ёш тадқиқотчи ва қаламқашларга илмий ва ижодий фаолият учун катта туртки бўлиши аниқ. Бирор соҳа ривожини учун ҳизмат қилишнинг ўзи биз – ёшлар учун катта бахт бўлиши керак. Бизга билдирилаётган ишончга муносиб жавоб беришимиз, яъни сифатли, ҳар томонлама етук, гоёвий-бадий жиҳатдан пухта бўлган асарлар яратишимиз зарур. Демак, биздан фақат ва фақат тинимсиз ва самарали изланишлар талаб қилинади, ҳолос.

**Анвар ИСМОИЛОВ,**  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти докторанти

## ЭЛЕКТРОН БИРЖА САВДОЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Бозор инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда биржа тизимини шакллантириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим bosқичларидан биридир. Ўтган йиллар мобайнида биржа савдо технологиялари ва қоидалари ишлаб чиқилди, хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилди ва жорий этилди, брокерлик идоралари ҳамда савдо майдончаларининг тармоғи яратилди.**

Шу ва тизимда амалга оширилаётган бошқа ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси товар-ҳомашё биржаси томонидан Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги “Махсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши республикаимизда мавжуд бўлган товар-ҳомашё ресурсларини лимит-фонд тақсимоти бекор қилиниб, биржа товарлари сотишнинг бозор механизми шаклланишига муҳим аҳамият касб этди.

Ўз навбатида мазкур механизм товар сегментида бозор нархларининг шаклланишини кўллаб-қувватлади, ўтказиладиган савдо операцияларининг очик-ойдинлигини таъминлади ва кичик бизнеснинг ривожланишига туртки берди. Шунингдек, биржа савдоларининг ошқоралиги ҳамда соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига ҳисса қўшди.

Бизнес вакилларининг электрон савдоларда иштирок этиш динамикаси биржа фаолиятини баҳолашнинг муҳим меъзоларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси товар-ҳомашё биржаси МДХ мамлакатлари орасида етакчилардан бири ҳисобланади. Хусусан, 2004-2016 йиллар мобайнида биржада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштироки билан тузилган битимларнинг ҳажми 27 мартабага, яъни 303,6 млрд. сўмдан 8,3 трлн. сўмгача ўсди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса ушбу кўрсаткич 4,7 трлн. сўмга етди, яъни тадбиркорлар биржа орқали 3,2 трлн. сўмлик товар ресурсларини харид қилиб, 1,5 трлн. сўмлик махсулот сотдилар. Мазкур кўрсаткичлар бизнес вакилларининг биржа савдолари ва электрон тижоратда иштирок этишга бўлган қизиқишлари ошганигидан далolat беради.

Биржада ҳисоб-китоб клиринг палатаси (ХКП) орқали йиллар давомида қўлланилаётган қаролатлаш механизми шартнома интизомини сезиларли даражада мустаҳкамлади. Бугунги кунда шахсий кабинет орқали ХКП да олинган ҳисоб варақ ҳолатини текшириш, амалга оширилган транзакцияларни кузатиш ва пул маблағларини қайтариш каби қўлайликлар тақдим этилган.

Аюқанда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси товар-ҳомашё биржасининг истиқболдаги лойиҳалари бўйича ҳам маълумот берилди. Хусусан, биржа шартномаларини тузишда электрон рақамли имзодан кенг фойдаланиш, биржанинг электрон логистика тизими ҳамда электрон тижоратнинг янги моделларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш режалаштирилаётгани айтиб ўтилди.

**Абдували СОДИҚОВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Яшнобод ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Хўснобод 4-тор қўчаси, 12-ўйда яшовчи Каримова Фотима Равшановна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА-МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| №  | Таълим муассасаси номи                 | Манзили                                  |
|----|----------------------------------------|------------------------------------------|
| 1. | Тошкент политехника касб-хунар коллежи | Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 26-уй |

**Малака талаблари:** олий маълумотли, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажини талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажини талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;

4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси 56-уй. **Тел:** 252-23-35

**“Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 17 августдаги 125К-ПО бўйруғига асосан аукцион савдоларига қуйидаги давлат қўчмас мулкларини қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси 25-ўйда жойлашган бинонинг 186,5 кв. метрдан иборат қисми. Бошланғич нархи – 880 326 320 сўм.

Балансда сакловчи: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бадий жамиятлар ижодий уюшмаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарход кўчаси, 2-ўйда жойлашган Республика шойишнинг тиббий ёрдам илмий маркази ҳудудидидаги бўш турган бино. Бошланғич нархи – 2 831 466 403 сўм.

Балансда сакловчи: Республика шойишнинг тиббий ёрдам илмий маркази.

Фаолияти ихтисоси: Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Аукцион савдоси 2017 йил 22 сентябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-

Қорақамиш кўчаси, 1“А”-ўйда ўтказилади. Аукцион савдоси шу кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрибий савдолар 2017 йил 9 ва 24 октябрь кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича қўйилган баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат активи бошланғич нархнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, Савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманомалар билдиришномада эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси бошланғичидан уш соат олдин тўхтатилади.


Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабдор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга

буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун савдо ташкилотчиси “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1“А”-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. Лицензия: RR 0001.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: [www.1kms.uz](http://www.1kms.uz), [www.gki.uz](http://www.gki.uz), [www.gkitorg.uz](http://www.gkitorg.uz).



Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ТҮРТЛИКЛАР

Сўз айтмоқ шарафи инсонга хосдир,  
Фикр уммонида инсон ғаввосдир.  
Сўз айтсанг, тилингни тишлаб айт,  
Маҳмуд,  
Кўнгилдан чиққани, кўнгилга мосдир.

\* \* \*

Одамлар бор, ухлаб керилар,  
Одамлар бор, ухлаб семирар.  
Меъёр меҳробига тўғри бормасанг,  
Умринг илдизини уйку кемирар.

\* \* \*

Кувонч йўқлаб келса, кўнғироқ чалар,  
Андух – бу кумурсқа, қонда ўрмалар.  
Ажаб, иккиси ҳам чашми об талаб,  
Кўздан юмалайди, юздан юмалар.

\* \* \*

Ҳаёт хитобида не савол бордир,  
Ўқиб уқмаганга бир малол бордир.  
У умринг ҳисобини сўрагай, албат,  
Жавоби жонбахшга, бил, камол бордир.

\* \* \*

Кеча керилганни бугун ҳолин кўр,  
Кеча совурганни бугун молин кўр.  
На ёшлик, на бойлик вафо қилмади,  
Қадди дол дунёнинг қари чолин кўр.

\* \* \*

Одилнинг ортидан одам эргашар,  
Оқилнинг ортидан олам эргашар.  
Одилнинг ҳукмида ҳақиқат ҳурдир,  
Оқилнинг фикридан яшнайдди башар.

\* \* \*

Бир бора жилмайгин, жамолингни оч,  
Қалбларни қалқитган камолингни оч.  
Сабоб бермоқ ахир, савоб демишлар,  
Яратган хуш кўрган аъмолингни оч.

Тоқати тоқлардан йироқ юр, болам,  
Сен ақли кўрлардан йироқ юр, болам.  
Боқимандаларни боқмас бу дунё,  
Сен асли зўрлардан зўрроқ юр, болам.

\* \* \*

Таназзул товоннинг тагида турар,  
Омад бу кўксингни кўкида юрар.  
Иккиси икки дил сувин ичгайдир,  
Бири қаҳ-қаҳа урар, бири оҳ урар.

\* \* \*

Кулиб кетаётган одамга қара,  
Йиғлаб кетаётган одамга қара.  
Кеча улар ўрни алмашган эди,  
Бугун бири қайғу, бири шаршара.

\* \* \*

Кимга ҳикмат ҳамроҳ, дили ёруғдир,  
Кимки, нияти хуш, йўли ёруғдир.  
Ҳам дили, ҳам йўли ёруғ одамлар,  
Ғафлат аталувчи дарддан фориғдир.

\* \* \*

Умринг ўчоғида ҳар кун кўр турмас,  
Омад ҳам измингда ҳаргиз қулф урмас.  
Бошингни минг тошга урганинг билан,  
Оллоҳ амр этмаса бахтинг буюрмас.

\* \* \*

Тасодиф гоҳида бахтингга эшик,  
Излаб кўрганмисан аҳдинга эшик.  
Ҳам бахтли, ҳам аҳдли ўғлон тилайди,  
Оналар бағрига босганда бешик.

\* \* \*

Ҳақдан умр сўрар яшаган одам,  
Ризқ ҳам сўрагувси ошаган одам.  
Вале ўзига ҳеч инсоф сўрарми,  
Хатолардан бошин қашиган одам.

\* \* \*

Туннинг осмонини юлдуз безайди,  
Кўёш бу оламни кундуз безайди.  
Агар сен дунёдан ҳикмат ахтарсанг,  
Унутма, ер остин илдиз безайди.

\* \* \*

Иzzату ҳурматга ноил одамлар,  
Бойлигу мансабга моил одамлар.  
Қўлдан кетмаса бас, бирор биттаси,  
Жон беришга тайёр, қойил, одамлар.

\* \* \*

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1993 йилда Худайкулова Латифа Авазовна номига берилган №013653-сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

П.Ф. Боровский номли тиббиёт коллежи томонидан 2011 йилда Набиева Нодира Мухитдин кизи номига берилган К№ 2230970-сонли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

